

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

**Форс-тожик ва Европа адабиётидаги сайёр сюжет. (Фирдавсининг  
“Сиёвуш” ва Еврипиднинг “Ипполет” достонлари асосида)**

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд  
давлат университети филология факултети  
можик тили таълим йўналиши талабаси  
Норқўчқоров Фирдавс Шавкатзода*

**Аннотация:** Мақолани ёритиб берини мақсадида, сюжет ва унинг унсурлари шарҳлаб берилади. Сюжет атамасининг лугавий ва истилоҳий хусусияти таҳлил қилинади. Сайёр сюжет омиллари мисоллар ёрдамита осиб берилади. Еврипид ва Фирдавсийнинг “Ипполит” ва “Сиёвуш” достонлари қиёсий ўрганилади. Қайси жиҳатдан бу икки асар бирбирига ўхшашиликкүрсатиб берилади.

**Калид сўзлар:** сюжет, сайёр сюжет, бадий асар тугуни, Фирдавсий, Сиёвуш, Еврипид Ипполит.

Сюжет атамаси франсузча бўлиб, “предмет, нарса” маъноларини англатади. Бу албатта, унинг лугавий маъносидир. Сюжет адабиёшинослик атамаси сифатида- воқеаларнинг кечиши бадий асарларда сюжет дейилади. Сюжетдаги воқеаларнинг кечиши асосида бир нечта конфлекtlар, яъни зиддиятлар келиб чиқади. Конфлект сюжетнинг давомийлиги ва ривожланишини таъминлайди. Конфлект асардаги қаҳрамонларнинг характер хусусиятини ва одамлар билан муносабатини билдирадиган бадий асар унсури сифатида қўлланаилади, ки сюжет билан боғлиқdir.

Сюжет бадий асрда бир неча қисмлардан ташкил топган бўлиб, улар қўйдагилардан иборатдир: экспозитсия, воқеанинг тугуни, воқеаларнинг ривожланиши, кулминатсия, туганларнинг очилиши. Юқорида таъкидлаб ўтганимиз сюжетнинг асосий қисмлари ҳисобланади. Воқиа ё ки сюжет асосан эпик ва драматик асарларда хос хусусият ҳисобланади. Адабиётшунос

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

олимларнинг маълум қилишларича сайёр сюжетнинг юзага келишига маданий, ичтимоий, сиёсий ва адабий алоқалар сабаб бўлишини қайд этиб ўтган. Бу назария биринчи бўлиб немис олими Бенфей томонидан эътироф этилган. Бенфей 1859 йилда ҳинд оғзаки ижоди намунаси “Панҷачатра” китобини нашр этади ва мазкур манбаъ юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб боради ва шуни алоҳида айтиб ўтадики, кўп халқлар адабиётидаги сюжетлар ҳам оғзаки адабиёту ҳам ёзма адабиётдаги воқеалар илдизи Хиндистон афсона ва ривоятларидан баҳраманд эканлигини таъкидлаб ўтади.

Бенфейнинг фикрига асосланиб, тожик ва ўзбек адабиётида ҳам бир нечита воқеаларни мисол тариқасида таҳлил қилсак янада сайёр сюжетнинг хусусияти ойдинлашарди. Ҳаммамизга маълум, ки форс-тожик адабиётида “Рустам” номли қаҳрамон ва ўзбек халқ оғзаки ижодида “Алпомиш” номли достон бор. Агар биз мана шу иккала қаҳрамоннинг характер хусусиятини очиб бермоқчи бўлсак, иккита қаҳрамон ҳам, Ватан ҳимоячиси, ватан учун жонини қалқон қилувчи, ўтга ташласа куймайдиган, сувга ташласала чўкмайдиган паҳлавон сифатида гавдаланган. Бу борада биз қайси бир халқ, яъни ўзбеклар тожиклардан ё тожиклар ўзбеклардан таъсиранланганини кўрсатиб беришимиз қийинроқ. Шуни аниқ айтаоламизки, ҳар бир миллат Рустамдек ё Албомишдек паҳлавонлари бўлишини хоҳлайди. Агар биз жаҳон адабиётига бир назар солсак, бунақа қаҳрамонлар деярли ҳар бир халқ адабиётида бор. Уларнинг паҳлавонлиги жасурлиги ўз халқининг мафкураси ва дунёқараши асосида вужудга келганини қайд этиш жойиз. Лекин кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатаябтики, ҳеж бир адабиёт ўзидан ўзи вужудга келмайди. Унинг ривожига ички ва ташқи омиллар мунтазам ўз таъсирини ўтказади. Шуни ҳисобга олиб, сайёр сюжетнинг вужудга келишнинг бир нечи омилларини келтириб ўтамиз:

- Географик жиҳатдан халқларнинг яқинлиги;
- Ижодкорларнинг ижодиёти бир-бирлари билан чогишиб кетиши;
- Ижодкорларнинг бир-бирларидан таъсиrlанишлари;
- Халқларининг бир-бирларини босиб олишлари;

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

- Асарларнинг таржума қилишлари;

Юқорида қайд этиб ўтилган омилларини форс-тожик ва Шарқ халқлари адабиёти бошидан ўтказган. Бунинг яққол мисоли Шарқ халқлари тарихда бошдан кечирган воқеалардир.

Сайёр сюжетни Юнон ва форс-тожик адабиётлари мисолида ҳам куриш мумкин. мазкур ҳодисани Еврипиднинг “Ипполет” достони ва Фирдавсининг “Сиёвуш” қиссалари тимсолида кўрсатиш мумкин. Бунинг учун иккала асардан ҳам қисқача воқеалар кечинмасини келтириш лозим деб ўйлайман.

Еврипиднинг “Ипполет” достонидан парча: “Афинанинг Тейза номли подшоҳи биринчи аёлидан Ипполит номли ўғли бўлган. Шоҳзода ўзининг кўпинча вақтини овга ё ки тоғу тошлар бағрида ўтказар эди. Ипполит ишқ маъбути Афродитага итоат этмайди ва шу сабабдан маъбуд интиқом олиш илинжида шоҳзоданинг ўгай онаси- Федра қалбида ишқ уруғини сочади. Ўгай она ўз эҳтиросларини жиловлвй олмайди ва ўзини нобуд қилишга мажбур бўлади ва ўлимидан олдин подшоҳга ёлғондан хат қолидирадики, Ипполит гўё унинг номусига текгандек. Федранинг ўлимидан сўнг Подшоҳ Тейза ўз ўғли-Ипполитни саройдан бадарға қиласди”.

Фирдавсийнинг “Сиёвуш” достонинг қисқача сюжети: “Кунларнинг бирида шоҳ Қобуснинг саройида ўғил дунёга келади. Унинг исмини Сиёвуш деб қўядилар. Подшоҳ ва унинг аёли шоҳзодани кўрқмас ва жасур бўлиб вояга етиши учун унинг тарбиясини Рустамга топширадилар. Рустам Сиёвушни ёшлигидан от минишга, шамшир ўйнатишга, ов қилишга ўргатади. Шул сабабдан шоҳзода Сиёвуш етук ёш паҳлавон бўлиб вояга етади. Кейинчалик Сиёвуш устози Рустамдан ижозат олиб ота онаси ҳузурига келишни сўрайди. Устози розилик билдиради ва уни Эронشاҳрга олиб келади. Аммо дарбор аҳли Сиёвушнинг зирак ва жасурлигини қўриб ҳасад ўтида ёнадилар. Сиёвушнинг ўгай онаси-Судоба кунларнинг бирида Сиёвушга кўзи тушади ва унга ошиқ бўлиб қолади. Сиёвуш ўгай онанинг разил ниятидан хабар топиб, ўзини узокроқ олиб қочади ва Судоба интиқом

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

олишга киришади. Аммо Судоба шоҳ Қобусга интиқом олиш мақсадида ёлғону бўхтонларни етказади. Натижада Сиёвуш таҳқирлар тагида қолади. Шоҳ Судобанинг сўзларига ишонади. бундар қаттиқ ранжиган Сиёвуш дарборни тарқ этишга қарор қиласди”.

Иккала асарда ҳам шоҳзодаларнинг ўгай оналари ўғилларига оишқ бўлади. Натижада шоҳзодаларнинг ота саройидан кетишга мажбур қиласдилар. Биз бу икки халқ асарида шуни пайқадикки, мифологик қарашлар кенг қамровли келтирилган. Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш жойизки, иккала асарнинг яратилишида ҳам халқ оғзаки ижоди асосий манбаъ сифатида қараш мумкин.

Мазкур сюжетларнинг ўхшашликлари ўзидан ўзи юзага келмаган. Милоддан аввалги 331 йилларда юонон ҳукмдори- Искандар Македоний Шарқ мамлакатларига юриш қиласди ва бу ерларнинг кўпгина ҳудудини босиб олади. Натижада, Осиё халқларининг кўплам маънавий бойликларини, жумладан, Зардуштий дининиг муқаддас китоби “Авесто”-ни ўз юртига жўнатади ва юонон тилига таржума қилдиради. “Авесто”- даги нақлу ривоятлар ва мифологиялар тезда юонон халқлари тилига достон бўлади. Албатта, тарихий манбаъларнинг хабар беришларича Искандар мазкур китобни ёқиб, кулга айлантирган, лекин баъзи бир тахтачаларга сабт этилган нусхаларини Юнонистонга жўнатган. Шаундай қилиб, “Авесто”-нинг юононча таржимаси юонон халқ оғзаки ижодига таъсир ўтказади, кейинчалик бир қатор юонон ижодкорлари асар яратишда зардуштий китобидан фойдаланади. Шулардан бири Еврипид бўлиб, “Ипполит” достонини яратишда кенг қамровда фойдаланган. Хуроса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Еврипид ва Фирдавсий ўз достонларини ёзишда “Авесто” китобидан фойдаланганлиги сабаб, асарлар сюжетлари жуду ўхшаш ва бирхиликни кашф қиласди. Ҳатто Сиёвуш мазкур китобда “Сиёваршан” сифатида келтирилганлиги Сосонийлар давридаги тарихий манбаълар кўрсатади.

**Адабиёт:**

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

---

- 1.**Антик адабиёт тарихи. А.Алимухаммедов. – Тошкент, “Ўқитувчи” соли 1969.
- 2.**Таърихи адабиёти тоҷик (Аз давраи қадим то асри XIII). Китоби I.-Душанбе, “Маориф”, соли 1987.саҳифаи 400.
- 3.** Назарияи адабиёт. Раҳим Мусулмониён. – Душанбе, “Маориф” соли 1990.
- 4.**Чет эл адабиёти тарихи. О. Қаюмов. – Тошкент, “Ўқитувчи” соли 1973.